



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 6 май, № 91 (8986)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЭКСПОРТ ҚУВВАТЛАРИ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 май куни Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларни янги ёндашувлар асосида ташкил этиш бўйича йиғилиш ўтказди.

Сирдарё вилояти ҳудуд жиҳатидан кичик бўлса-да, аслида қишлоқ хўжалигида катта салоҳиятга эга. Асосий май-донлар дарё ва каналлар бўйида жойлашган, аҳолиси меҳнаткаш, барча инфратузилма қулай.

Йиғилишда туманлардаги манзилли ўрганишлар таҳлил қилиниб, янги тақлиф ва режалар кўриб чиқилди.

Экинларни ерларнинг тупроқ-иклим хусусиятидан келиб чиқиб етиштириш, чўл ҳудудларда галла, сабзавот ва картошка ҳосилдорлигини ошириш бўйича тақлифлар билдирилди.

Сугориш тармоқларини таъмирлаб, икки йилда 20 минг гектар ерни қайта фойдаланишга киритиш режалаштирилмоқда.

Озиқ-овқат лойиҳалари учун ҳам имкониятлар кўп. Жумладан, Оқолтин, Гулистон ва Бобёут туманларидаги 9 минг гектарда 3 та ийрик чорвачилик мажмуасини ишга тушириш, 7 минг гектарда янги технология асосида пахта етиштириш мўлжалланган.

Вилоятда 10 минг гектар боғ ва тоқзор бор. Уларнинг ярмидан кўлида нав ва агротехнология эскилиги учун мева-сабзавот харидоргир эмас. Шу боис 2 минг гектар боғни янгилаб, хорижда энг харидоргир мевалар етиштириш, қолганини талабгорларга тақлиф этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, бу йил “Ўнг тармоқ” туманлараро каналининг 607 километрини реконструкция қилиш ва рақамли бошқарувга ўтказиш лойиҳаси яқунланади. Натижада 35 — 40 фоиз сув тежаллади, 27 минг гектарда сув таъминоти яхшиланади.

Давлатимиз раҳбари бу тақлифларни маъқуллаб, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш, озиқ-овқатга бўлган ички талабни тўлиқ қоплаш, қайта ишлаш ва экспорт қувватларини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ЮЗАСИДАН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИККА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Қарор билан кибержиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларни фош этиш самарадорлигини ошириш бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ва қатор ташкилий-техник чораларни кўриш белгиланди.

Жумладан, кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида ягона ишлаш амалиётини йўлга қўйишни назарда тутувчи алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда юридик шахслар томонидан киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлик учун, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасидаги барча жиноятлар юзасидан жавобгарликни кучайтириш бўйича қонунчиликка ўзгартришлар киритиш топширилди.



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ички ишлар органлари тизимини рақамли трансформация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Қарор билан ички ишлар органлари фаолиятида замонавий рақамли ечимларни кенг жорий этиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда соҳада ягона технологик ёндашувни шакллантириш белгиланди.

Ички ишлар органларининг ахборот инфратузилмасини ягона тизимга бириштириш, кримноген вазиятлар таҳлилни автомат-

Банклар, тўлов тизими операторлари, тўлов ташкилотлари ва бошқа муассасаларнинг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлиги натижасида йўл қўйилган кибержиноят оқибатида келиб чиққан моддий зарарни улар ҳисобидан ундириш тартибини жорий қилиш белгиланди.

Шу билан бирга, бундан кейин кибержиноятни содир этишда ўз номидаги банк қарасидан, банк ҳисоб рақами, электрон ҳамёнидан ва бошқа шахсига доир маълумотларидан (SIM картаси, электрон akkaунти) фойдаланишга йўл қўйган шахслар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари ўрнатилди.

лаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ички ишлар органлари таркибида Рақамли технологиялар ва ҳуқуқий статистика департаменти ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, уларнинг зиммасига рақамли ечимларни жорий қилиш ва мувофиқлаштириш, электрон давлат хизматларини такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби вазифалар юклатилди.



ЕТУК ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 май куни истиқболли кадрларни мақсадли тайёрлаш ва мутахассисларнинг хорижда таълим олишини қўллаб-қувватлашга оид тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда ҳар бир соҳани ривожлантиришда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг ўқиши, мутахассисларнинг тажриба ошириши давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Шу мақсадда “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 2 минг 225 нафар стипендиат 45 га яқин давлатларга ўқишга юборилиб, бюджетдан жами 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Ҳозиргача уларнинг 1 минг 400 нафари Ўзбекистонга қайтиб иқтисодиёт тармоқларида, таълим, фан, тиббиёт ва давлат бошқарувида ишламоқда. Бугунги кунда 748 нафар стипендиат “ТОП—300” таликдаги нуфузли университетларда таълим оляпти.

Энди бундай ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида мазкур фондни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси этиб, Давлат бошқаруви академиясини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси этиб қайта ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Улар Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан бирга кадрлар тайёрлаш кластерига айлантирилди.

Жумладан, истиқболли мутахассисларни хорижда тайёрлаш бўйича бакалаврият, магистратура ва докторантура билан бир қаторда давлат хизматчилари олти ойгача мақсадли стажировкага юборилади. Бунда энергетика, урбанизация, транспорт, архитектура, геодезия, ер муносабатлари, тех-

ника, муҳандислик каби иқтисодиётнинг драйвер соҳаларига, давлат бошқаруви ва долзарб ижтимоий йўналишларга устуворлик берилади.

Халқаро рейтингларда “ТОП—100” талик университетларга грант асосида ўқишга кирган номзодларга “Эл-юрт умиди” стипендияси имтиҳонларсиз ажратилади. “ТОП—300” таликда бўлган университетларга грантга кирганларга халқаро транспорт ва тураржой харажатлари имтиҳонларсиз қоплаб берилади. “ТОП—20” таликдаги университетлар бакалавриятига 50 фоиз грант асосида қабул қилинган Президент мактаблари битирувчиларига стипендиялар танловларсиз ажратилади.

Хорижда ўқиётган юрдошларимиз билан доимий мулоқотда бўлиш, уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда таълим-тарбия жараёнларида ёрдамлашиш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатларнинг ота-оналари кенгаши тузилади. Элчихона ва консулликларга талабаларга ҳуқуқий ва ташкилий кўмак кўрсатиш вазифалари юклатилади.

Замон талабларига мос мутахассислар тайёрлашда Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг ҳам ўрни катта. У ерда “Ҳокимлар мактаби”, “Раҳбар аёллар мактаби”, “Келажақ лидерлари” каби курсларда илгор таълим дастурлари йўлга қўйилган. Утган ўқув йилида 13 мингдан зиёд тингловчиларнинг малакаси оширилган.

Янги тизимга асосан энди давлат хизматчилари учун 3 та дастур — малага ошириш, қайта тайёрлаш ва магистратура йўлга қўйилади. Барча

узоқ ва ўрта муддатли ўқувлар хорижий ҳамкорлар билан қўшма таълим дастурлари ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг таянч тавсиялари асосида ташкил этилади.

Магистратурада “Давлат бошқаруви”, “Давлат сиёсати”, “Худудларни комплекс ривожлантириш”, “Инсон ресурсларини ривожлантириш” ва “Давлат молиясини бошқариш” йўналишларида 18 ойгача муддатда чуқурлаштирилган билимлар берилади. Давлат буюртмасидан ташқари тўлов-контракт шаклида ҳам талабгорлар қабул қилинади.

Академияда таълим дастурлари ва илмий тадқиқотлар сифатини ошириш бўйича тавсиялар бериш, нуфузли хорижий илмий-таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш учун Халқаро академик маслаҳат кенгаши тузилади.

Шунингдек, академия ҳузурида 4 та янги марказ ташкил этилмоқда. Мисол учун, Давлат бошқаруви муаммоларини илмий-амалий тадқиқ этиш маркази давлат хизмати самарадорлигини ошириш, хусусий сектордаги илгор амалиётларни давлат бошқарувида жорий қилишга қаратилган тавсиялар бериб боради.

Президентимиз тақлифларни маъқуллаб, бу тизимларни янгича ёндашувлар асосида жорий қилиш, жамғарма ва академия ходимларининг малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Иқтидорли ёшларни доимий излаб топиш ва юқори даражада ўқитиш, малакали мутахассисларни ислохотларга жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Ў.А.

Ташрифдан кейинги ўйлар...



ЮКСАЛИШЛАР МАНЗИЛИ БУ — ГЎЗАЛ ХОРАЗМ!

Хоразм — шонли тарихимиз билан янги ислохотларимиз туташган чорраҳа! Президентимизнинг шу йил 1-2 май кунлари Хоразмга ташрифи чоғида айтиб ўтган бу сўзлари ҳар бир юрдошимиз қалбига гурур ва ифтихор бахш этиб, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада жўштириб юборди.



Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи давомида ислохотларнинг амалий натижалари билан танишди, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни бевоқифа кўриб навбатдаги режалар, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Президентимизнинг жойлардаги учрашувлари, нуронийлар ва ёшлар билан кечган салимий мулоқотлари, янги лойиҳалар тақдимотларини юрдошларимиз катта қизиқиш билан кузатиб борди. Айниқса, вилоят фаоллари билан учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва Хоразмнинг келгуси тараққиётини белгилаб берувчи дастурлар воҳа аҳли томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди.



9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН ҚАЛҚОН БЎЛГАН ЎҒЛОНЛАР

(Мустақиллик йилларида тинчлик-осойишталик йўлида ҳалок бўлган инсонлар хотирасига)

Мустақиллик йилларида қурбон бўлган ўғлонлар, “Қурбон бўлган” дегим келмас, қўрғон бўлган ўғлонлар. Эл тинччию омонлиги, эрк-саодат йўлида, Ватан учун, миллат учун қаққон бўлган ўғлонлар.

Гар Ватанга айланмаса, ундай кўнгли кўнглимас, “Ҳалок бўлган” деган сўзга кўнглилар ҳеч кўнжмас. “Ҳалок бўлган” дегим келмас, бу ўғлонлар ўлганмас, Шудринг бўлган, шамол бўлган, осмон бўлган ўғлонлар.

Ҳар боласи хушёр юртда қораймас ҳеч қуёшлар, Юзларица шом пардасин тортмайин тоғу тошлар. Ота уйда қалаңларда лаган сузлаган ошлар, Насибаси тириқларга армон бўлган ўғлонлар.

Жаҳолату қабоҳатга тик бордингиз бериб жон, Номингизни ёд айлар ҳар қўча, ҳар бир хўбон. Саҳарлари самолардан мўлтирайсиз ниғорон, Осмонларда зор-интизор Чўлпон бўлган ўғлонлар.

Бировлари чимилдиққа кириб ҳам улгурмаган, Бировлари ёр қўзига тўйиб ҳам термулмаган. Бировлари фарзанд кўриб, ўғил тўйлар қилмаган, Ўз юртица қошу қўзи миғжон бўлган ўғлонлар.

Бировингиз — Жалолуддин, Бобурсиз бировингиз, Тирикликдан сўролмасдан ҳали дил сўровингиз. Бурч-садоқат сарҳадида жонингиз — гаровингиз, Бурч йўлида жисму жони ўлпон бўлган ўғлонлар.

Сиз барҳаёт ўғлонларсиз, сиз ҳеч қачон ўлмаган, Ўн саккизга, йиғирмага, ўттингиза ҳам тўлмаган, Бу ҳаётда ўн гулидан бир гули ҳам сўлмаган, Ному ёди мангу боғу бўстон бўлган ўғлонлар.

Ул “Иккинчи жаҳон...” деган урушда нолам кетган, Менинг беш юз минг доламу беш юз минг болам кетган. Ҳар бир кетган болам билан бир буюк олам кетган, Кўрғошинзор кўксини рўйи жаҳон бўлган ўғлонлар.

Жоним болам, бу менинг ҳам фарзимдир, ҳам қарзимдир, Айни пайтда фарзандларга мактубим дил арзимдир. Ватан — мангу мактабимдир, менинг мангу дарсимдир, Умри ибрат мактабидир ирфон бўлган ўғлонлар.

Шараф бўлсин шундай умр, шундай фидо ҳар жонга, Ватан номи бурканайдир абадий шараф-шонга. Шеърлар айтсам номингиздан Олий Бош Қўмондонга, Матонати минг бир шеър достон бўлган ўғлонлар.

Хотиранинг ранги мовий — зангор осмон рангидир, Ватан учун жон берганлар қадри доим шонлидир. Она Ватан байроғида ой, юлдузлар мангудир, Мана шундай порлоқ давру даврон бўлган ўғлонлар.

Сирожиiddин САЙИД, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Конунчилик палатасидаги «Тараққиёт блоки»ни ташкил этиш тўғрисида

РАСМИЙ БАЁНОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси «Тараққиёт блоки»ни ташкил этиш юзасидан битим имзолади.

“Тараққиёт блоки” 93 нафар депутатни бирлаштириб, парламентдаги кўпчилиكنи ташкил этади ва етакчи сиёсий кучга айланади.

Мазкур блокни тузишдан асосий мақсад — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари сайё-ҳаракатларини бирлаштириш орқали партияларнинг дастурий мақсад ҳамда вазифаларини самарали амалга оширишга эришишдан иборат.

“Тараққиёт блоки” Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида қисқа даврда мамлакатимизда тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш, очиклик сиёсатини юритиш, мамлакат иқтисодиётини ва халқаро нуфузини ошириш соҳаларида тарихий ислохотлар амалга оширилганли-

гини эътироф этган ҳолда бу борадаги ишларни изчил ва қатъий давом эттириш жо-наҳон Ўзбекистонимизни юксалтиришнинг ягона тўғри йўли, деб ҳисоблайди.

“Тараққиёт блоки” халқимизнинг эркин ва фаровон, кудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хо-хиш-иродасини рўёбга чиқа-риш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлод-ни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устувор-лиги, хавфсизлик ва барқа-рорлиқни кафолатли таъ-минлаш мақсадида қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, уни амалга оширишга қаратил-ган ҳужумат дастурини тўла қўллаб-қувватлайди ҳамда ҳаётга таъбиқ этилишини таъминлашда бор имконият-ларини сафарбар



Мулоқот

ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАШ СЕНАТОРЛАР НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов ҳамда Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари подполковник Б. Иноқов томонидан Музработ тумани маҳаллаларида жиноятчиликнинг олдини олиш ва кримноген вазиятни барқарорлаштириш бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди.

Дастлаб тумандаги Орият ва Дуоба маҳаллаларидаги “маҳалла еттилиги” ҳамда ушбу ҳудудга бириктирилган масъул ходимларнинг фаолияти кўздан кечирилди. Ўрганишлар да-вомида мазкур манзилларда хавфсиз муҳитни шаклланти-риш мақсадида хонадонбай ва фуқаробай ишларни ташкил этиш, низоли оилаларнинг муаммоларини ўрганиш, кузатув камералари орқали ҳудудни назорат қилиш ва “маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Шунингдек, Музработ тумани тиббиёт бирлашмасида аҳолига яратилган шарт-шароитлар, фуқароларни қабул қилиш жараёни, тиббий ҳужжатларни электрон форматда юритиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар ҳолати ўрганил-ди. Тегишли раҳбарларга тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Ташриф давомида туман “Марказий деҳқон бозори”даги санитария ҳолати, инфратузилмавий шароитлар ва озиқ-овқат нархлари барқарорлиги ҳам ўрганилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз Президенти раислигида коррупцияга қарши курашиш масалаларига бағишланган йи-ғилишда берилган топшириқларнинг ижроси, мавжуд муам-молар ва камчиликлар танқидий таҳлил қилинди. Айни чо-да келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор ва-зифалар белгилан олindi.

Бундай ўрганишлар вилоятнинг бошқа шахар ва туман-ларида ҳам давом эттирилмоқда.

«Халқ сўзи».

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ЮЗАСИДАН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИККА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛАДИ

Кибержиноятларнинг олдини олиш йўналишида ахборот тизимидаги заифликлар ва камчиликлар натижасида кибержиноят содир этилишига йўл қўйган банклар ва тўлов ташкилотлари рўйхатини оммага эълон қилиш ҳамда аҳоли пул маблағларини жалб этишга қаратилган онлайн фирибгарлик схемалари (“молиявий пирамида”)ни барвақт аниқлаш амалиёти йўлга қўйилади.

Шунингдек, қарор билан шахсларнинг ҳам карталаридоги пулларнинг талон-тороғ қилинишини тўхтатиш мақсадида банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига замонавий антифрод ва антивирус ҳимоя тизимларини жорий этиш ҳамда фирибгарлар томонидан сохта рақамлар орқали фуқароларга кўнғирқор қилишларини техник (имконсиз қолдириш) чеклаш каби чоралар белгиланди.

Жорий йилдан бошлаб, ҳар йили

бир ой давомида “Кибермаданиятни юксалтириш ойлиги” комплекс тарғибот мавсумини ўтказиш ҳамда ташвиқот ишларини соҳага оид барча давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан фаол тарзда олиб бориш орқали аҳолининг “рақамли иммунитет” ва огоҳлигини оширишнинг доимий тизими йўлга қўйилади.

Қарорга мувофиқ кибержиноятларни фош этиш йўналишида Марказий банк, тўлов тизими ва ички ишлар органлари вакилларидан иборат тезкор ҳаракатланиш гуруҳи фаолияти йўлга қўйилади ва мазкур гуруҳ томонидан шубҳали пул ўтказма амалиётларига алоқадор банк карталарини тезкорлик билан аниқлаш ва блоклаш каби чоралар кўриб борилади.

Бунинг натижасида кибержиноят орқали жиноятчилар томонидан ўзлаштирилган пулларни республика ҳудудидан чиқиб кетишининг олдини

олиш ва жабрланувчига қайтариш имконияти таъминланади.

Шулар қаторида қарор билан кибержиноятларни тергов қилиш ва фош этиш фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу жараёнда қонунчилик ижроси устидан прокурорлик назорати ҳамда илмий тадқиқот фаолияти йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда соҳадаги ҳодимларнинг малакасини ошириш бўйича чоралар белгиланди.

Мазкур қарорда кўрсатилган вазифаларнинг амалга оширилиши масъул давлат органлари, ташкилотлари, банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг фуқароларининг кибержиноятлардан жабрланиб қолишининг олдини олиш ҳамда уларнинг молиявий хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича масъулиятини оширишга ҳизмат қилади.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида синов тариқасида туманлараро рақамли технологиялар бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилади.

Трансформация жараёنларини жадаллаштириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ҳузурида “Рақамли лойиҳалар офиси” ташкил этилади ва унга Рақамли технологиялар вазирлигининг малакали мутахассислари жалб қилинади.

Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида иқтидорли ёшлар, IT-парк резидентлари билан ҳамкорликда инновацион дастурий маҳсулотлар ва стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилади.

Энг муҳими, қарорда аҳолига электрон давлат хизматларини проактив ва композит шаклда тақдим этиш орқали қўшимча қулайликлар яратиш бўйича бир қатор топшириқлар белгиланди.

Қарорда кўрсатилган вазифаларнинг амалга оширилиши ички ишлар органларининг самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашда замонавий ечимлардан фойдаланиш, фуқароларга давлат хизматларини қулай ва тезкор кўрсатиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашда муҳим қадам бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги «Тараққиёт блоки»ни ташкил этиш тўғрисида РАСМІЙ БАЁНОТ

Партияларнинг парламентда ягона куч сифатида бирлашишига дастурий мақсадлар, сиёсий мафкура ва йўналишлар муштараклиги ва ғоявий уйғунлиги, шунингдек, кўп йиллик фаолият давомида тўплаган амалий тажриба асос бўлиб хизмат қилади.

Иккала партия дастурий қарашлар, мақсад ва вазифалар жиҳатидан ўзаро яқиндир. Сиёсий майдонда ҳар икки партия ғоявий жиҳатдан ўнг қанотда жойлашган бўлиб, ЎзЛиДеП ўнг-марказ, “Миллий тикланиш” демократик партияси эса ўнг партия ҳисобланади.

“Тараққиёт блоки” барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш, кўп асрлик миллий-тарихий тажрибага таяниб фаолият юритишни муҳим деб ҳисоблайди. Ўзбекистон равнақини фракцияларни бирлаштирувчи асосий омил, деб билади.

Партиялар ўртасидаги ҳамкорлик самаралари бугунги кунда яққол намоён бўлмоқда. Биргаликдаги саяб-ҳаракатлар натижасида мамлакатда муҳим ислохотлар амалга оширилди.

Партияларнинг ҳамият ва давлат учун долзарб масалаларни ҳал этишдаги ҳамкорлик тажрибаси ушбу амалиётни парламент фаолиятига таъбиқ этиш имконини беради.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва юрт тараққиётини таъминлашга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнларида иккала партия ягона куч сифатида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратилади.

“Тараққиёт блоки”нинг устувор фаолият йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- миллий иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва экспорт салоҳиятини ошириш, монопол соҳаларни бозор таъйинларига ўтказиш;
- ҳар бир фуқаронинг хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини рағбатлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- сўз эркинлигига қарши ҳар қандай уринишларга қарши туриш ва мустақил нодавлат маъбулот тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда эркинлик ва очиклик сиёсатини изчил давом эттириш;
- таълим сифатини ошириш ва инсон салоҳиятини ривожлантириш, нодавлат таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;
- соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, тиббий сургутани жорий қилиш, нодавлат тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш;
- солиқ маъмурчилиги тизимини соддалаштириш, барча тадбиркорлар учун солиқни тўлаш борасида адоллати ва тенг шароитлар яратиш, солиқ ставкаларининг ўзгармаслигини таъминловчи сиёсат юритиш;
- Давлат бюджетни ҳаражатларини қисқартириш, рақамлаштириш орқали бюрократияни бартараф этиш, давлат хизматларини кўрсатишда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш;
- фуқароларга шахсий танлов имконини берувчи хусусий жамғарма пенсия тизимини яратиш, рақобатбардор ва бозор механизмлари орқали бошқариладиган замонавий, шаффоф пенсия тизимига ўтиш;
- мамлакат суверенитети ва хавфсизлигини кафолатлаш.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари ушбу блок орқали умумий манфаатларга эришиш йўлида ҳамкорликни янада самарали йўлга қўяди.

Мазкур ташаббус миллий манфаатларга хизмат қилиб, мамлакатни янада ривожланган, қудратли, адоллатли ва замонавий давлатга айлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Партиялар электорат ишончи ва қўллаб-қувватлашини оқлаш учун ўз фаолиятини самарали давом эттиради.

Ўрганиш ЁШ ПАРЛАМЕНТАРИЙЛАР НАВОИЙДА

Ёшлар сиёсатини самарали ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш ва бу орқали жамиятда ҳалоллик тамойилларини мустаҳкамлаш бугунги кун давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ушбу йўналишларда амалга оширилаётган ишларни ўрганиш мақсадида Навоий вилоятида бўлди.

Илк манзил — Навоий шаҳридаги 22-умумтаълим мактаби. Янги қурилган ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган ушбу муассасада 1 800 нафарга яқин ўқувчилар тахсил олмақда. Мактабда чет тиллар, IT, робототехника, меҳмонхона хизмати, сураткашлик каби йўналишларда ўндан ортиқ касб-хунар тўғрисидаги фаолият юритади. “Ватан таянчи” ҳарбий-ватанпарварлик отряди, “Иқтидор” ижодий клуби, бунд ва санъат маҳсулотлари ёшларнинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ташриф доирасида “Navoiyuran” давлат қоронасида ёш олимлар билан учрашув ўтказилди. Унда Илм-фан ва инновациялар орқали коррупциясиз тараққиёт концепцияси муҳокама қилинди. Ёшлар парламенти раиси Лайло Аслонова ўзи бошчилигидаги тўзимила фаолияти, мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот берди. Шунингдек, истиқболли лойиҳалар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Ёшлар парламенти аъзолари Навоий шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган муассасада ҳам бўлишди. Бу ерда яратилган ижтимоий, тиббий ва реабилитация шарт-шароитлари билан яқиндан танишилди. Муассасанинг истиқболдаги лойиҳалари, жумладан, имконияти чекланган ёшларга мўлжалланган янги хизматлар ҳақида маълумот берилди.

Маънавият ва маърифат марказида вилоятнинг фаол йигит-қизлари иштирокида очик мулоқот ташкил этилди. Унда коррупцияга қарши курашда ёшларнинг тугган ўрни, уларнинг фуқаролик позицияси ва жамиятдаги фаолияти атрофида муҳокама қилинди.

Учрашув давомида кўтарилган иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш каби муаммоларга ечимлар тақлиф қилинди. Шу билан бирга, ёшлар банки сифатида танилган “Алоқабанк” АТБ томонидан тақдим этилаётган имкониятлар ҳақида маълумот берилиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш истигадига йигит-қизлар учун зарур маслаҳатлар берилди.

Ёшлар парламенти аъзолари коррупцияга қарши кураш доирасида ёшлар бандлигини ошириш, касбга йўналтиришни кучайтириш, ҳалоллик ва одоб-ахлоқ маданиятини кенг тарғиб этишга оид устувор йўналишларни белгилаб олди.

«Халқ сўзи».

Сиёсий партиялар фракцияларида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ҚИЗГИН МУҲОКАМАЛАР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари ўртасида ташкил қилинган “Тараққиёт блоки”нинг илк йиғилишида дастлаб Ҳисоб палатасининг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ҳисоб палатаси ўз фаолиятини “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонун талаблари ва асосий принциплари мувофиқ амалга ошириб келмоқда. Бу жараёнда палата фаолиятини аввалги молиявий текшириш принципларидан янгича, халқаро стандартлар асосидаги аудит ўтказишга қаратиб, давлатнинг профессионал хулоса берувчи ва баҳоловчи аудит органи сифатида қайта шакллантирди.

Ҳисобот билан батафсил танишган депутатлар ўзларини қизиқтирган саволларни ўртага ташлади.

Шунингдек, улар айрим масалалар ечими бўйича амалга оширилаётган ишлар билан қизиқди.

Муҳокамалардан сўнг Ҳисоб палатасининг 2024 йилдаги фаолияти билан боғлиқ масала қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари ҳам атрофида кўриб чиқилди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Соғлиқни сақлаш вазири А. Худойберова “Аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини



олиш ва барвақт аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш, шу жумладан, онкологик касалликларнинг олдини олиш ва уларни барвақт аниқлаш, доимий скрининг текширувларини ташкил этиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда депутатларнинг сайлов округларида ўтказган учрашувлари давомида ушбу соҳада ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги аниқлангани кайд этилди.

Фракция аъзоси Дилмурод Исмоилов ҳудудларда олиб бориладиган ўрганишлар чоғида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиалида

онкологик касалликларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган иммунотестохимия (ИГХ) аппарати мавжуд бўлишига қарамай, уни бошқар

қонунчилик жараёнида фаол иштирок этиш имконини янада ошириш кўзда тутилмоқда. Хусусан, муҳолифатга қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқилганига қадар унинг муқобил таҳририни киритиш ҳуқуқини таъминлаш белгиланган.

Фракция аъзоси Фирдавс Шариповнинг фикрига кўра белгиланган нормалар парламентдаги муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқларини кенгайтириш орқали қонун ижодкорлиги ва парламент назорати самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда Ҳисоб палатасининг 2024 йилги ҳисоботи ҳам атрофида кўриб чиқилди ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар илгари сурилди.

Шунингдек, депутатларнинг жойларда сайловчилар билан ўтказган учрашувлари яқунлари, олинда турган муҳим вазифалар атрофида муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамада техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан қўллаб-қувватланди.

Унинг ёрдамида техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатлар хавфини камайтириш ҳамда фавқулодда вазиятлар юзасига келган тақдирда тезкор тадбирларни амалга ошириш борасида ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари аниқлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, амалиётда қўллаб-қувватланди “табиий офатлар” тушунчасига аниқлик киритилди. Бундан ташқари, фавқулодда вазиятлар натижасида етказилган зарарни баҳолаш тартиби такомиллаштирилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳаси аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамада техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, депутатларнинг жойларда сайловчилар билан ўтказган учрашувлари яқунлари, олинда турган муҳим вазифалар атрофида муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамада техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан қўллаб-қувватланди.

Унинг ёрдамида техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатлар хавфини камайтириш ҳамда фавқулодда вазиятлар юзасига келган тақдирда тезкор тадбирларни амалга ошириш борасида ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари аниқлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, амалиётда қўллаб-қувватланди “табиий офатлар” тушунчасига аниқлик киритилди. Бундан ташқари, фавқулодда вазиятлар натижасида етказилган зарарни баҳолаш тартиби такомиллаштирилмоқда.

Сенатор сўровида шу каби чекловлар ҳоржий давлатларда, хусусан, АҚШ, Европа мамлакатлари, Россия, Қозғистон каби давлатларда мавжуд эмаслиги, аксинча, талабалар бир вақтининг ўзида бир нечта олий таълим муассасасида тахсил олиб, икки ва ондан ортиқ дипломга эга бўлиш имкониятига эга экани таъкидланган.

Шу муносабат билан сенатор Олий таълим, фан ва инновациялар вазиридан фуқароларга бир вақтининг ўзида давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларининг иккитасида тахсил олиш имконияти юзасидан расмий тушунтириш беришни сўради.

«Халқ сўзи».



ЮКСАЛИШЛАР МАНЗИЛИ БУ — ГЎЗАЛ ХОРАЗМ!

Янги Урганчнинг «ақлли шаҳарчаси»

Бундан уч йил муқаддам Урганчда Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилишга тамал тоши қўйилган эди. Урганч халқаро аэропорти ёнида 130 гектар майдонда барпо этилаётган ушбу шаҳарча “смарт” технологиялар билан жиҳозланиши сабаб эл орасида “ақлли шаҳарча” деб ном олган. Янги шаҳарчада Ал-Хоразмий номидаги университет ва талабалар ётоқхоналари, 3000 ўринли мактаб ва 1500 ўринли мактабгача таълим муассасаси, IT-парк, инновация маркази, спорт мажмуаси, илмий-тадқиқот маркази, кўп қаватли уйлар ва автоуларгоҳлар, марказий аллея — “Янги Ўзбекистон” боғига асос солинади. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда технопарк ва замонавий тўқи-

ва автомобиль транспортида ҳам йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бормоқда. Урганч халқаро аэропорти воҳанинг “хаво дарвозаси” саналади. Бугунги кунда аэропорт соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсата олади. Бу қатновларни кўпайтиришга имкон бераётган эди. Шу боис аэропортни модернизациялаш ва бошқарува бериш режалаштирилган. Қурилиш-реконструкциялаш ишлари 2025 — 2027 йиллар давомида Жанубий Корея компанияси жамоаси томонидан амалга оширилади. Натижада аэропорт “Boeing 747” ва “Airbus 350” каби йирик хаво кемаларини қабул қилиш имконига эга бўлади. Аэровокзалда соатига 1 минг 300 нафар йўловчига хизмат кўрсатилади.

Вилоятда ички йўналишларда жамоат транспортининг хизмат сифати яхшиланмоқда. Масалан, ўтган йили Урганч шаҳрига Хитойнинг “Zhongtong” компаниясида ишлаб чиқарилган 50 та замонавий автобус келтирилди. Янги автобуслар ногиронлиги борлар, кекса ва ёш болалари аёللари учун яратилган қулайликлари билан ажралиб туради. Урганчда ушбу автобуслар қатновга қўйилгач, амалда фойдаланилаётганлиги вилоятдаги бошқа ҳудудларга ўтказилди ва бу йўналишларда ҳам хизмат сифати яхшиланди.

Халқимизнинг “Йўл азоби — гўр азоби” деган нақли эскириб, бугунги замонамизга тўғри келмай қолди, — дейди хивалик меҳнат фахрийси Отаназар Пирназаров. — Ёшлигимизда Урганча бориш учун имкон топсак от-аравада, иложини топмасак, соатлаб яёв йўл юрардик. Хозир йўлга чиқишнинг билан хоҳлаган транспортда ёз этиб манзилга етиб оласиз. Мен йўл бўйида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ўзгаришларни томоша



мачилик корхоналари қурилиб, ишга туширилади. Лойиҳа бўйича шаҳарчада буюк аллома Ал-Хоразмийнинг баландлиги 30,5 метрлик мухташам ҳайкали қад ростлайди. Хоразмнинг номини дунёга танитган буюк даҳога ҳурмат ва эҳтиромнинг яна бир рамзи бўлади бу шаҳарча.

— Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида шаҳарча қурилишини кўздан кечириди ва Ал-Хоразмий ҳайкали лойиҳаси тақдими билан танишиди, — дейди “Ал-Хоразмий мажмуасини барпо этиш ва сақлаш дирекцияси” унитар корхонаси директори Шерзод Аллаберганов. — Давлатимиз раҳбари лойиҳани ҳам бунёдкорлик, ҳам маъновий жиҳатдан такомиллаштириш, шаҳарчада яшилликни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Қайд этиш керакки, ўтган давр майдонида шаҳарчада жами 1 773 хонадонли 72 та кўп қаватли уй қуриб фойдаланишга топширилди. Бу йил яна мингта хонадон қалитари ўз эгаларига тақдим қилинади. Яқинда шаҳарчада “Ёшлар технопарки” ва бошқа қатор хизмат кўрсатиш объектилари иш бошлади. Янги шаҳарча жозибдор ҳудуд сифатида хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг эътиборини тортмоқда. Ушбу “ақлли шаҳарча” келажақда воҳанинг ўзига хос илм-фан, ақл ва IT марказига айланади.

Мақсад аниқ, манзил яқин

“Тошкентдан Хоразмгача — 1100 километр”, деб қуйилганда қўшиқлардан бирида. Дарҳақиқат, пойтахтдан Хоразмга бориш учун шунча масофани босиб ўтиш керак. Ўтмишда ота-боболаримиз бу манзилга йўл азобини тартиб, тувлар қарвони орқали етиб боришган. Тарихдан маълум, Хиванинг маърифатпарвар хонларидан бири — Феруз тахаллуси билан ижод қилган Мухаммад Раҳимхон Хоразмга темир йўл келтириш учун кўп сай-ҳаракатлари н бажарган, аммо бу эзгу ниятлар амалга ошмай армон бўлиб қолиб кетган.

Воҳа ахлининг бу асрий орзу-умидлари бугунги кунга келиб рўёбга чиқмоқда. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ҳудуднинг транспорт-коммуникация тизимини ривожлантиришга хизмат қиладиган бир нечта йирик лойиҳалар амалга оширилди. 2018 йилда Урганчдан Хивагача темир йўл қурилиб, йўловчи поездлар қатновининг йўлга қўйилиши халқимиз ва қадимий шаҳарга ташриф буюрувчи сайёҳлар учун қулайлик тугдирди. Бундан ташқари, Шовот — Гурлан — Қипчоқ темир йўлининг ишга туширилиши натижада Россия ҳамда Қозғистондан юқлари ташвиш масофаси 240 километрга, ташвиш вақти эса 6 соатга қисқарди. Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш лойиҳаси муваффақиятли яқунлади. Келгусида Жанубий Корейнинг “Hyundai Rotem” компаниясидан юқори тезликда ҳаракатланувчи 6 та электрпоезд харид қилиниб, “Жалолиддин Мангуберди” номи остида Тошкент — Хива йўналишида қатновлар йўлга қўйилади. Натижада хозир Тошкентдан Хивага бориш учун оддий поездда сарфланаётган 14 соатлик вақт тезкорлар поездлар шарофати билан 7 соатгача, яъни 2 баробарга қисқаради.

Вилоятда нафақат темир йўл, балки ҳаво

бирда қатнашганимдан жуда мамнунман, — дейди америкалик сайёҳ Сицилия Хенри. — Мажмуанинг меъморий ечимини кўриб ўзимни эртаклар оламига, Шарқдаги “Минг бир кеча” афсоналарига тушиб қолгандай ҳис қилдим! Халқингизнинг улкан бунёдкорлик салоҳияти маҳсули бўлган бу бетакрор шаҳарча эндиликда хорижлик ва маҳаллий сайёҳларнинг сеvimли масканига айланишига шубҳа йўқ.

Эндиликда, Хивада “Арда Хива” каби яна бир сайёхлик мажмуаси қурилади. “Сахро юлдузи” деб номланган ушбу туристик комплексда меҳмонхоналар, кўнгилочар масканлар, гастронормлар ва савдо кўчалари, музейлар, экстремал туризм объектилари барпо этилади. Давлатимиз раҳбари Хоразмга ташрифи чоғида ҳудуднинг туризм имкониятларидан самарали фойдаланиш борасидаги бошқа муҳим масалаларга ҳам эътиборни қаратди. Жумладан, маданий ёдгорликларни ўрганиш, қадимий қалъалар бўйлаб янги сайёхлик маршрутини ташкил қилиш, халқаро брендага эга меҳмонхоналар қуриш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш каби масалалар бўйича топшириқлар берилди.

Хоразмнинг туризм салоҳиятини юксалтириш борасидаги ишлар нафақат Хивада, балки вилоятнинг барча ҳудудида олиб бори-моқда. Урганч шаҳрининг қоқ марказидан ўтувчи Шовот канали соҳилидаги сайилгоҳлар, янгидан барпо этилган “Лазги” ва “Авесто” музейлари, Урганч туманида қурилган от спорти мажмуаси хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар учун ўзига хос тўхфа бўлди.

Тарихдан маълум, Хоразм воҳасидан ислом маданияти ва маърифати ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк алломалар, мутафаккирлар етишиб чиққан. Шулардан бири халқ орасида Улли пир, яъни катта пир, деб алоҳида эҳтиром кўрсатиладиган тасавуф илмининг йирик намояндаси Юсуф Ҳамдони ҳазратлари. Бу улуг зотнинг ҳо-нақоҳи “Хуросон қазбаси” деб эътироф этилади. Ҳар йили дунёнинг турли минтақа-ла-

алгоритмлар бугун инсоният ақли гидрокини ҳайратда қолдираётган кибернетика, космо-навтика ва ахборот тизимлари ривожига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ана шундай буюк дахонинг ворислари ашаётган замин бугунги кунда дунёда рақамли технологиялар бора-сида ўз макенини эгаллашга маънан ҳақли-ди. Урганч шаҳридаги 3-умумтаълим макта-би ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат муко-фоти совриндори Шаҳзода Камолова мазкур университетнинг илк талабаси бўлди.

— “Арда Хива” мажмуасида хоразмлик ёшлар билан бўлиб ўтган мулоқотда Президентимиз математика, инглиз тили ва IT соҳасига қизиқишимдан келиб чиқиб, менга Урганчда янги ташкил қилинган Ал-Хоразмий номидаги университетнинг илк талабаси бўлишни тақдиф қилганида севинчдан кўзла-римдан ёш чиқиб кетди, — дейди Шаҳзода Камолова. — Эртасигаёқ Мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳилола Умарова менга мазкур университетга ўқишга қабул қилинган ҳақидаги сертификатни топширди. Президентимизнинг бу юксак ишончи менинг зиммамга улкан масъулият юклайди. Кела-жақда IT соҳасининг етук мутахассиси бўлиб, буюк бобомиз Ал-Хоразмийнинг муносиб вориси бўлишга ваъда бераман.

Юқоридagi қарорга кўра буюк бобомиз номи билан аталувчи шаҳарчада Ал-Хораз-мий номидаги университет билан бирга Му-хаммад ал-Хоразмий номидаги иختисос-лаштирилган мактабнинг Урганч филиали ҳам ташкил этилади. Ўқув жараёни 7 йиллик да-тур асосида “STEM” модели бўйича амалга ошириладиган ушбу таълим масканида ахбо-рот технологияларига қизиқувчи ёшлар мактаб давридан шу соҳага чуқур йўналтири-лади. Қисқача айтганда, ўнлик санок тизими-нинг бутун дунёга тарқалишига сабаб бўлган қўхна Хоразм заминидagi бугунги янгила-ниш ва туб ўзгаришлар буюк аждодларимиз анъ-аналари давомийлигиндан дарак беради.

Тараққиётнинг «Йўл харитаси»

Хоразмликлар давлатимиз раҳбарининг ташрифини доим интиқлик билан кутади. Чунки Президентимиз воҳага ҳар гал янги та-шаббус ва тақдифлар, режа ва дастурлар би-лан келади. Халқ фаровонлигига хизмат қи-ладиган ҳайрли бошламаларга қўл ўрйлади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг янги “Йўл харитаси”ни эълон қилди.

— Президентимизнинг вилоят фаоллари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари би-лан учрашуви жуда самимий, қизғин фикр алмашувларга бой бўлди, — дейди “Нуроний” жағгармаси вилоят бўлими раҳбари Рустам Султонов. — Айниқса, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ янги лойиҳалар тўғрисида эшитиб, нихоятда тўқилганиб кетдим. Энг чакса Тупроққалъа туманида йирик газ-кимё мажмуаси, Ҳазо-распда қимё теҳнопаркинни, Қўшқўприда “Ўзбекистон — Хитой” технопаркинни қуриш, Тупроққалъадаги автомобиль заводиди “Евро-5” экологик стандартига жавоб берадиган



янги русумдаги автомобиль ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди. Шунингдек, маҳаллалар инфратузилмасини яхшиллаш, канализация тизимини барпо этиш борасидаги топшириқлар бу йил хоразмликлар ҳаётида қувонарли янгиликларга бой бўлишидан, ўзгаришлар ва бунёдкорлик жараёнлари авж паллага кири-шидан дарак беради.

Асосийси, вилоятда йиллик 6 фоиз иқти-содий ўсиш таъминланади, ялпи ҳудудий маҳ-сулот ҳажми 60 трлн. сўмга етказилади. Бу нақаси ҳали воҳа тарихида бўлмаган! Логис-тика занжирларидан узокда, табиий ресурс-лар чекланган бу диёр ўзининг илмий сало-ҳияти, инсон капитали билан ана шундай на-тижаларга эришишга қодир. Азалдан тарақ-қибёт, илму ҳикмат, маънавият ва маърифат бешиги саналган гўзал воҳани олдинда улуг-вор ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, янги-ланишлар кутиб турибди.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

Минбар

МАТБУОТ — МАСЛАҲАТЧИ ВА ҲАМКОР

Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳрида ишлаганимда кундалик газета ва журналларни кузатиб борардим. Умуман, бизнинг авлод мутолаанинг руҳиятга, кайфиятга, дунёқарашга таъсирини ўз фаолиятида англаб етган.

Соҳадаги тизим ўзгаргани сабабли матбуот нашрларини эрталаб дўконлардан олиш ёки уни хонадонларга элтиб бе-риш жуда қамайиб кетди. Лекин барбериш буна бўлган ёки қўлимга тушган нашрларни албатта ўқиб чиқаман. Ҳатто ай-рим керакли фактларни ён дафтаримга ёзиб қўяман.

“Одамлар газета ўқимай қўйди” деган гапга ишонмайман. Маърифатга эш одам уни шубҳасиз, топиб ўқияпти. Чунки кун-далик нашрлар, аввало, ахборот билан таъминлайди, иккинчи-дан, ўқиб жараёнида руҳиятингизни енгиллатади. Учинчидан, у сиздаги саводиликни, мулоҳаза юритиш қобилиятини ушлаб туради. Негаки, газета ўқиб жараёнида сиз фикрлай-сиз, сабоқ оласиз, ҳулоса қиласиз.

Самарқанд вилоятига ишга келган, бу ерда оммавий ахборот воситалари, хусусан, газеталар билан ишлаш бошқа вилоятларга қараганда, анча яхши йўлга қўйилганини кўрдим. Вилоят “Зарафшон” газетаси ҳафтада уч марта, тўрт рангда, 16 минг нусхада чиқади. Рус ва тожик тилларидаги вилоят газеталарида ҳам ахвол ёмон эмас.

Айрим туман газеталари ҳафтасига бир марта чиқади. Тўғри, ҳали 15 кунда бир марта чиқадиган газеталар ҳам бор. Улар-нинг муассислари билан тушунтириш ишлари олиб бораёмиз.

Менинг ҳам одатим шу: ишни столим устида турган газе-таларни варақлашдан бошлайман. Чунки уларда баъзан бизнинг ёдимишга келмаган ёки эсимиздан чиққан муаммолар қўтари-лади. Ҳатто, уларнинг ечимига ҳам айтилади. Хусусан, таниқли журналистлар Ўткир Раҳмат ва Абдусамид Қўшимовнинг “Халқ сўзи” газетасида босилган мақолаларида айтилган матбуотга муносабат тўғрисидаги фикрларига қўшилиман.

Оммавий ахборот воситалари деганда, кўпчилик ижтимоий тармоқларни тасаввур қиладиган бўлиб қолди. Ваҳоланки, га-зета ҳар бир вилоят ва туман ҳокимлигининг минбари. Улар ана шу нашрлар орқали аҳолига ўз сиёсати моҳиятини еткази-ши зарур.

Жойларда бўлганимда меҳнат фахрийлари, зиёлилар, хусу-сан, яна жойда қиладиган газеталар ходимлари билан суҳбат-лашишга ҳаракат қиламан, уларнинг фикрларини инобатга ола-ман. Айрим туманлар ҳокимлари билан уларнинг муассислиги-даги нашрлар биналарини таъмирлаш чораларини кўряёмиз.

Жуда кўп табириларда, лойиҳалар, дастурлар муҳомаала-рида ОАВ вакиллари тақдиф этияёмиз. Йил бошида “Зараф-шон” газетасида “Ойла даврасида” деган саҳифа очиди. Ойи-га икки марта берилади. Унда жисмоний тарбия ва спорт, ахлоқ-одоб, тарбиянинг инсон ҳаётидаги ўрни тўғрисида ма-териаллар бериб борилади. Яқинда таъриркорлар билан ке-лишиб, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ор-қали етарли миқдорда грант маблағи ажратди. Унга асосан йил давомида экологик мавзуда, муқобил энергия, сувни те-жаш, табиатни асраш каби йўналишларда тайёрланган энг яхши таҳлилий мақола, очерк, фелъетон, кўрсатув ва видеоролик-лар учун яхшигина мукофотлар белгиланди.

Матбуот, бу — ижтимоий воқелик. У инсон маънавияти, эҳтиёжидан келиб чиққан нарсас. Китобдан кейинги мўъжиз-залардан бири. Шунинг учун ҳам унинг хизмати бебаҳо.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир тадбирда ошқоралик, очикилик сиёсати, бу борада ОАВ билан мустаҳкам алоқа боғлаш ҳақида гапирди. Биз ана шунга амал қилган ҳолда бундан кейин ҳам матбуот нуфузини оширишга, уларнинг ходимлари ижтимоий ҲИМОСИНИ ЯХШИЛАШГА ҳаракат қиламиз.

АДИЗ БОБОЕВ,
Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи.

ҚАДРИЯТЛАРИ ТУТАШ ХАЛҚЛАР

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида тарихан шаклланган яқин дўстона муносабатлар ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилган.

Муносабат

Икки мамлакат ўртасидаги маданий ва маънавий алоқалар чуқур тарихий илдишларга эга. Ҳазор ҳақкорлик асрлар давоми-да ривожланиб бориб, ғовийлик ва моҳият нуқтаи назаридан бир-биринга ҳамоҳанг, шакл ва мазмун жиҳатдан уйғунлик касб этган. Ўзбек ва озарбайжон халқларининг атоқли намояндалари Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, Мухаммад Фузулий жазон маданияти, илми-фани ва адабиётига беқиёс ҳисса қўшган зотлардир. Уларнинг бебаҳо мероси Ўзбекистон ва Озарбайжонда беҳад эъзозланади, асраб-авайланади ва чуқур ўрганилади.

2024 йилнинг 23-24 август кунлари Озарбайжон Республика-си Президенти Илҳом Алиев расмий ташриф билан мамлақати-мизда бўлган ва иккала мамлакат раҳбарлари “Ўзбекистон Рес-публикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида иттифоқ-чилик муносабатлари тўғрисида”ги Шартномани имзолаган эди.

Олий Мажлис Сенатининг 6-ялпи йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида итти-фоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2024 йил 23 август) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунни тасдиқлади.

Мазкур Шартноманинг ратификацияси икки мамлакат ўрта-сидаги ўзаро ишонч, дўстона алоқалар ва стратегик шериклик-ни янада чуқурлаштиради. Шу билан бирга, келишув сиёсий ҳақкорлиқни кенгайтириш, савдо-иқтисодий ва маданий-гума-нитар алоқаларни ривожлантириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қўлай шарт-шароит яратди.

Эътиборли жиҳати шуки, ушбу Шартномада томонларнинг ўзаро кўп қиррали ҳақкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсади-да парламент дипломатиясини, икки давлат парламентлари-нинг дўстлик гуруҳлари йўналишида, шунингдек, халқаро пар-ламентлараро таққилотлар доирасида яқиндан ҳақкорлиқни қўллаб-қувватлашлари қад этилган.

Ушбу Шартноманинг қонун билан ратификация қилиниши: — Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикалари ўртасида ўзаро икки томонлама муносабатлар янги ва олий даражага олиб қиқилишига ҳамда унинг ҳуқуқий тартибга солинишига;

— икки давлатнинг ишончли шерик сифатидаги иттифоқчи-лик муносабатларига эга ҳақкорлари доираси янада кенгайи-шига;

— давлатларнинг ҳавфсизликка таҳдидлар қаршиида дои-мий ҳақкорлигини янада мустаҳкамлашга;

— стратегик ва савдо-иқтисодий шериклиқни янада ривож-лаштириш бўйича зарур шарт-шароитлар яратишга;

— мамлакатлараро масалаларни Давлатлараро олий кенгаш йиғилишлари доирасида қад элтиш орқали томонлар ўртасида ҳақкорлиқнинг кенг қамровли ривожланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратишга хизмат қиладди.

Умуман, мазкур Шартнома нафақат тарихий аҳамиятга эга ҳужжат, балки ўзбек — озарбайжон ҳақкорлик муносабатлари-ни янада қучайтириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қиладди.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, таъқи-иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ МЕЗОНЛАРИ

Милоддан 200 йил олдин яшаган буюк юнон математиги Архимед оғир юкларни кўтариш ва силжитишга доир муваффақиятли тажрибаларидан руҳланиб кетиб “Менга таянч нуқтасини топиб берсангиз, Ерни ҳам силжитаман”, деб айтган экан. Ҳақиқатан ҳам, таянч нуқтани инобатга олиб, катта кучни кичик куч билан мувозанатлайдиган оддий механизм бўлган дастак ёрдамида оғир юкларни кўтариш ҳамда силжитиш қонуни яратилган ва бу инсоният учун қулайлик туғдирган. Ҳозирда ҳам мазкур вазифани бажарувчи ҳар қандай қурилма ушбу қонун асосида ишлаб келмоқда.

Нуктаи назар

Мактаб таълими сифатини оширишда, энг аввало, нимага эътибор қаратиш лозим? Рамзий маънода айтганда, бу “оғир юк”нинг таянч нуқтаси қаерда? Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, бу таянч нуқта педагог кадрларни сифатли тайёрлаш тизимидир.

Ҳар бир авлод ўзидан кейинги авлоднинг янада илмли бўлиши ҳақида қайғуриши — бу унинг инсоний бурчи ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг “Илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳада келажақ бўлмайди”, деган сўзлари замирида ҳам шу ҳақиқат мужассам.

Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз давлат сармоясининг салмоқли қисмини таълим соҳасига ажратмоқда. Таълим ва тарбияга ислохотларнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қаралиши яқин келажақда мамлакатимизнинг технологик ривожланиши, янгидан-янги ихтироларнинг кашф этилишига асос бўлиши, шубҳасиз. Тарихан қайси жамиятда илм-фан ривожланишига жиддий эътибор қаратил-

са, у ерда малакали мутахассислар етишиб чиқади ва улар орқали тарақиётга эришилади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳаётий ҳақиқатдир. Инсоният асрлар давомида бунга ғувоҳ бўлиб келмоқда.

Айниқса, педагог кадрлар тайёрлаш тизими кейинги йилларда катта ислохотлар майдонига айланди. Педагог кадрлар тайёрлаш бўйича таълим дастурлари хорижий тажрибалар асосида қайта кўриб чиқилди. Таълим жараёнига замонавий методикалар татбиқ қилиниб, назария ва амалиёт ўйғунлигини таъминлаш бўйича ижобий ишлар амалга оширилди ҳамда изчил давом эттирилмоқда.

Ҳозирги кунда 31 та давлат, 40 та нодавлат ва 5 та хорижий олийгоҳларнинг филиалларида педагог кадрлар тайёрланаётган бўлса, тизимда ягона ёндашув йўлиги самбабли уларнинг барчасида ҳам ўқитувчи тайёрлаш масаласида бир қатор муаммолар мавжуд.

Президентимиз томонидан 2025 йил 28 апрелда қабул қилинган “Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳада йиғилиб қолган муаммоларни ечиш, мамлакатда ягона концептуал ёндашув асосида 2030 йилга қадар педагог кадрлар тайёрлаш бўйича бажарилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб берди.

Фармон билан ҳудудлардаги 11 та педагогика олийгоҳи ҳамда Самарқанд давлат университети-нинг Каттақўрғон филиали негизига ташкил этилган Каттақўрғон педагогика институти, Ўзбекистон — Финляндия педагогика институти

“... Президентимиз давлат сармоясининг салмоқли қисмини таълим соҳасига ажратмоқда. Таълим ва тарбияга ислохотларнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қаралиши яқин келажақда мамлакатимизнинг технологик ривожланиши, янгидан-янги ихтироларнинг кашф этилишига асос бўлиши, шубҳасиз.

негизида очилган Самарқанд давлат педагогика институти Мактаб-гача ва мактаб таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Шунингдек, Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳамда Педагогик таълими ривожлантириш бўйича республика кенгашининг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Чора-тадбирлар дастури 2025 — 2030 йилларда педагог кадрлар тайёрлаш тизимини равақ топтириш борасида 5 та йўналишдаги 22 та яхлит вазифани ўз ичига олган бўлиб, амалга оширишнинг аниқ манзилли механизмлари бел-

гилаб берилган. 2025/2026 ўқув йилидан педагог кадрлар тайёрлаш фақат кундузги ва кечки таълим шакли бўйича ташкил этилади, сиртки таълим шаклига қабул тўхтатилади.

Фармонга кўра Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан 2026/2027 ўқув йилидан Эътиборан, республикада фаолият юритаётган давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида педагог кадрлар тайёрлаш сифатини таҳлил қилиш мақсадида талабаларнинг

билимларини ташқи диагностикадан ўтказиш тизими жорий этилади. Бунда диагностика натижаларига кўра педагог кадрлар сифати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган таълим йўналишларида кадрлар тайёрлашни чеклаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фармон билан имзоланган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, хусусан, Буюк Британиянинг “Cambridge University Press and Assessment” ташкилоти билан ҳамкорликда халқаро талабларга мувофиқ педагог кадрлар тайёрланадиган таълим дастурларини такомиллаштириш,

мактабгача ва мактаб таълими тизимининг илмий муаммолари бани яратиш, илмий тадқиқот ишларини тизимдаги ушбу муаммолар ечимига қаратиш, соҳадаги илмий мактабларнинг ютуқлари ва тажрибаларини оммалаштириш орқали мактаб таълими сифатини яхшилашга қаратилган ислохотлар самарадорлиги ошади.

Давлатимиз раҳбарининг “Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида Низомиёи номидаги Тошкент давлат педагогика университети негизига Низомиёи номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети ташкил этилгани мамлакатимизда фаолият олиб бораётган зёли педагоглар учун юқори даражадаги мотивация бўлиб хизмат қилади.

Ишонамизки, ушбу университет жаҳон андозаларига мос, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаган етук мутахассисларни тайёрловчи етакчи таълим даргоҳи сифатида педагог кадрлар тайёрлаш сиёсатини, педагогик таълимнинг узвийлиги ва узлуksизлигини таъминлайди. Ўз навбатида, бу, маърифат равнақига хизмат қилувчи, дунё таълим сахнасида ўз ўрнига эга бўлган нуфузли таълим даргоҳи сифатида донг таратишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Ғайрат ЖАББОРОВ,
Низомиёи номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг **физика-математика** факультети **декани**.



Оғир атлетика: дастлабки ютуқлар

Перуда ўтаётган оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоамиз дастлабки олтин медалларга эга чикди.

Ўсмирлар ўртасида кечган беллашувларда Моҳинур Эсонбоева (+81 кг.) ҳамда Алишер Османов (-102 кг.) 3 та олтин медалга сазовор бўлди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, М. Эсонбоева силтаб кўтариш ва икки кураш, А. Османов эса даст кўтариш машқида тенгсиз эканлигини амалда исботлади.



Хоккей: терма жамоамиз рақиблари маълум

Хоккей бўйича 2026 йилги жаҳон чемпионати III дивизионининг “А” ва “В” гуруҳида қатнашадиган терма жамоалар номи аниқ бўлди.



Биз учун аҳамиятлиси ушбу жамоалар орасида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам ўрин олди.

Расмий манбаларга кўра Ўзбекистон миллий терма жамоаси келаси йилги жаҳон чемпионати III дивизионининг “В” гуруҳида КХДР, Хонконг, Мўғулистон, Филиппин ва Люксембург терма жамоалари билан ўзаро беллашадиган бўлди. Мазкур дивизионнинг “А” гуруҳидан эса Туркменистон, Босния ва Герцеговина, Туркия, ЖАР, Мексика ва Таиланд термалари ўзаро рақобатлашади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон хоккей терма жамоаси Арманистонда шу йил апрель ойида ўтган жаҳон чемпионатининг IV дивизионида 13 очко жамғариб, энг яхши натижа қайд этган ҳолда дунё биринчилиги III дивизионига йўлланмани қўлга киритганди.

Велоспорт: ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати

Жиззаҳда велоспортнинг шоссё йўналиши бўйича кичик ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.



Унда юртимизнинг барча ҳудудидан иқтидорли ва умидли спортчилар иштирок этди.

Чемпионат доирасида турли масофаларда гуруҳ пойгари ташкил этилди. Жумладан, ўғил болалар ўртасида 42 километр масофага бўлиб ўтган беллашувда Эмил Валиев (Тошкент вилояти), Шоакмал Шоакмалов ва Мироншоҳ Баходиров (Тошкент шаҳри) шохсупага кўтарилди.

Қизлар ўртасидаги 21 километр масофага ўтган гуруҳ пойгарида Омина Турсунова (Сирдарё вилояти) олтин, Тансолпан Алимбаева (Тошкент вилояти) кумуш, Милана Ярова (Сирдарё вилояти) эса бронза медалга эга чикди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

«Халқ сўзи».

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти жамоаси таҳририй ходими Шодиёр Мутахоровга онаси **Имсин ая ҚҶЧКОВРАНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МИНОРАИ КАЛОННИНГ МЕЪМОРИ КИМ?



Кўҳна Бухорони Минораи калонсиз тасаввур этиш мушкул. Шаҳарга келган сайёҳ борки, уни кўрмай кетмайди. Давфатан одамнинг ҳушбичим қоматини эслатадиган бу обида ҳақида кўп ва хўп ёзилгани бежиз эмас. У ҳамда Масжиди калон ва Мир Араб мадрасаси жойлашган ҳудуд яхлит ҳолда Пойи калон меъморий ансамбли деб аталади. Бу гўша “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 8 мўъжизаси” рўйхатидан ўрин олган.

Тарих сарчашмаси

Минораи калон (Катта минора) сўнгги қорахоний ҳукмдор Арслонхон фармонида мувофиқ 1127 йилда қуриб битказилган. Баландлиги 47,5, айланаси 9 метрдан иборат, 105 пиллапояли бу обида ўз вақтида “Арслонхон минораси” деб ҳам аталган. Мутахассислар Минораи калонга Бухоро меъморчилигининг ўзига хос қомуси, дея таъриф беради. Босқинлару истилолар ва табиий офатлар оқибатида шаҳар ўзининг ўнлаб меъморий ёдгорликларидан айрилиб муштипар онадек бўзлаб қолган паллада Минораи калонни

қураётган меъмор ўша обидалардаги нақшлардан нусха олган. Маҳобатли минорага синчиклаб тикилган киши бу нақшларнинг бетакоррлигини, ўзига хослигини кўради. Дарвоқе, унинг меъмори ким? Мутахассислар бу саволга аллақачон жавоб топган. Минорада араб ёзувида биттилган “Амали усто Бақо” ёзуви бу масалага ойдинлик киритади.

Халқ орасида минора билан боғлиқ афсонаю ривоятлар кўп учрайди. Шулардан бирида айтилишича, ҳаётдан кўз юмаётibi усто Бақо ўзини минора яқинида дафн этишларини

васият қилган экан. Бу қабр ҳозиргача сақланиб қолган деган тахмин бор. Чунончи, миноранинг кунботар томонда жойлашган ҳовлилардан бирида қадимий қабр бор. Уни Минораи калонни қурган меъморнинг даҳмаси деб фараз қилишади. Лекин бу ҳақда шу пайтгача аниқ маълумот йўқ.

Бу ҳовли бизга бобомдан мерос қолган, — дейди қадимий қабр сақланаётган хонадон соҳиби Бобуржон Мирзаев. — Болалигимиз шу хонадонда кечган. Айни пайтда ҳовлидан оилавий меҳмонхона сифатида фойдаланаямиз. Дуоғўй инсонлар учун эшигимиз ҳамиша очик.

Айтиш керакки, Бухоронинг тарихий қисмида жойлашган масжиду мадрасалар, савдо токи, карвонсаройлар, қадимий ҳовиллар ва ҳатто кўчаларда кўлаб азиз-авлиёларнинг қабрларини кўриш мумкин. Уларга юртимиз тарихининг ажралмас бир

РЕКЛАМА

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Тему́р шоҳқўчаси, 101-уй.

Электрон почта манзиллари: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz.

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2025 йил 26 май, соат 11:00. Тошкент шаҳри, Амир Тему́р шоҳқўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2025 йил 22 май.

Кун тартибига киритилган масалалар:

1. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг йиллик умумий йиғилиши саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш;

2. Йиллик умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

3. Акциядорлик жамиятининг 2024 йил якунлари бўйича бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;

4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Банк гуруҳининг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича консолидациялашган йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

5. Акциядорлик жамиятининг 2024 йил натижалари бўйича Кузатув кенгаши ҳисоботини тинглаш;

6. 2024 йил якунлари бўйича соф фойдани (таксимланмаган фойда ҳисоб рақами билан бирга) кўриб чиқиш;

7. Акциядорлик жамиятининг устав капиталини ошириш масаласини кўриб чиқиш;

8. 2024 йил якунлари бўйича ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

9. Акциядорлик жамиятининг аффилиланган шахслари билан тузилиши мумкин бўлган битимларини тасдиқлаш;

10. Акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасига (структурасига) ўзгартириш киритиш;

11. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш.

Айни кунларда мамлакатимизда «Спорт ойлиги» ўтказилмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 542. 13 237 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-4784

4 772 030 478004

Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турун кўчаси, 41.

ЎЗА якуни — 23.10

Топпирилди — 01.40

1 2 3 4 5 6